

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

25 Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2549

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ–2042-сонли «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 39-сон, 508-модда) 7-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Алоқа, ахборотлаштириш
ва телекоммуникация технологиялари
давлат қўмитаси раиси**

Х. МИРЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 ноябрь,
61-мх-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 ноябрь,
17-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 ноябрь,
01-02/21-30-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 ноябрь,
330 В-сон

Ўзбекистон Республикаси
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуника-
ция технологиялари давлат қўмитаси, Ташқи
иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо
вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва
Марказий банк Бошқарувининг 2013 йил
25 ноябрдаги 61-мх, 17, 01-02/21-30,
330 В-сон қарорига
ИЛОВА

**Дастурий таъминот воситалари экспорти ва
импорти тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 10-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ-2042-сон «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 39-сон, 508-модда) мувофиқ, дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тартибини белгилайди.

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

дастурий таъминот воситалари — алгоритм тилида тақдим этилган операциялар, командалар ва маълумотларнинг мантиқий ташкил этилган йи-

гиндисидан иборат ва муайян натижага эришиш мақсадида компьютерда амалга ошириш учун мўлжалланган интеллектуал мулк объекти. Дастурий таъминот воситалари деганда уларни ишлаб чиқиш давомида олинган тайёрлов материаллари ҳам назарда тутилади.

дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиси — ўз дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқариш (ишлаб чиқиш), кузатиш (хизмат кўрсатиш), жорий қилиш ва сотиш билан боғлиқ фаолиятни белгиланган тартибда амалга оширувчи юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси резиденти;

Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри (бундан буён матнда Миллий реестр деб юритилади) — мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари тўғрисидаги ахборотнинг ягона электрон банки;

дастурий таъминот воситалари экспорти — дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиси томонидан дастурий таъминот воситаларини норезидентга электрон шаклда, шу жумладан олиб юриладиган ташувчиларда ва Интернет тармоғидаги он-лайн дўконлар орқали сотиш, шу жумладан дастурий таъминот воситаларини кузатиш (хизмат кўрсатиш) бўйича ташқи савдо фаолияти;

дастурий таъминот воситалари импорти — Ўзбекистон Республикаси резиденти норезидентдан дастурий таъминот воситаларини сотиб олиши, шу жумладан дастурий таъминот воситаларини кузатиш (хизмат кўрсатиш) бўйича ташқи савдо фаолияти;

Интернет тармоғидаги он-лайн дўкон — Интернет тармоғи орқали товарлар (ишлар, хизматлар) билан савдо қилувчи, фойдаланувчиларга реал вақт режимда товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш учун буюртмаларни шакллантириш, улар учун ҳақ тўлаш ва етказиб бериш усуллари белгилаш имконини берувчи сайт.

2. Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг экспорт операциялари:

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари билан шартномалар тузиш орқали;

дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиси Миллий реестрга киритилган бўлса, экспорт шартномасиз дастурий таъминот воситаларини чет эл валютасида Интернет тармоғидаги он-лайн дўконлари орқали сотиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Миллий реестрни шакллантириш ва юритиш Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2541, 2013 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 701-модда) билан белгиланади.

3. Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг экспорт шартномаларини тузиш ва ижро этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Дастурий таъминот воситаларини чет эл валютасида Интернет тармоғидаги он-лайн дўконлари орқали сотиш йўли билан, экспорт операция-

ларини экспорт шартномасисиз амалга ошириш учун, Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиси хизмат кўрсатувчи ваколатли банкка ушбу Низомнинг иловасида берилган шаклга мувофиқ экспорт шартномасисиз Интернет тармоғидаги он-лайн дўконлари орқали дастурий таъминот воситалари экспорт битимини ҳисобга олиш учун ариза топширади.

Хизмат кўрсатувчи ваколатли банклар томонидан қўшимча ҳужжатлар талаб этилишига рухсат этилмайди.

5. Экспорт шартномасисиз Интернет тармоғидаги он-лайн дўконлари орқали амалга ошириладиган ҳисобга олинган экспорт битимлари рақамланган, тикилган ва хизмат кўрсатувчи ваколатли банк муҳри билан тасдиқланган журналда қайд этилади.

Экспорт шартномаларисиз амалга ошириладиган экспорт битимларини ҳисобга олиш журналида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

битимни ҳисобга олиш санаси;

экспортёрнинг тўлиқ номи;

дастурий таъминот воситаларининг номи;

Интернет тармоғидаги он-лайн дўконининг номи;

битимни ҳисобдан олиш санаси;

битимни ҳисобдан олиш учун асос.

6. Экспорт шартномасисиз, Интернет тармоғидаги он-лайн дўкони орқали амалга ошириладиган ҳар бир экспорт битими бўйича хизмат кўрсатувчи ваколатли банкда операцияни бажариш билан боғлиқ ҳужжатлар тикиладиган йиғма жилд очилади.

Хизмат кўрсатувчи ваколатли банкда битимни ҳисобга олиш санасидан ёки охириги валюта тушуми келиб тушган санадан бошлаб бир йил ўтгандан сўнг тўлов амалга оширилмаган бўлса, экспорт битими ҳисобдан чиқарилиши керак.

7. Интернет тармоғидаги он-лайн дўконлари орқали дастурий таъминот воситалари экспортининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, дастурий таъминот воситалари учун чет эл валютасидаги тушум дастурий маҳсулотни сотиш факти бўйича дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчисининг ҳисоб рақамига чет эл валютасида келиб тушиши керак.

8. Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиси Миллий реестрдан чиқарилса, у 3 иш куни давомида бу ҳақда Интернет тармоғидаги он-лайн дўконлари орқали дастурий таъминот воситалари экспортдан олинадиган чет эл валютасидаги тушум келиб тушадиган хизмат кўрсатувчи ваколатли банкка хабар бериши керак.

9. Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг импорт шартномаларини тузиш ва ижро этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

10. Интернет тармоғида чет эл он-лайн дўконларида рўйхатдан ўтказиш учун тўлов дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари томонидан импорт шартномаси мавжуд бўлмаганда ҳам амалга оширилиши мумкин.

11. Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари томонидан экспорт-импорт операцияларининг тўғри ўтказилганлигини назорат қилиш, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

12. Ушбу Низомни бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Дастурий таъминот воситалари экспорти ва
импорти тўғрисида низомга
ИЛОВА

_____ раҳбарига
(ваколатли банк номи)

_____ дан
(Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот
воситаларини ишлаб чиқувчисининг номи)

**Экспорт шартномасиз Интернет тармоғидаги он-лайн
дўконлари орқали дастурий таъминот воситалари экспорти
битимини ҳисобга олиш учун
АРИЗА**

Сиздан экспорт шартномасиз Интернет тармоғидаги он-лайн дўконлари орқали дастурий таъминот воситалари экспорти битимини ҳисобга олишни ва чет эл валютасидаги тушумни бизнинг ташкилот ҳисобига ўтказишингизни сўраймиз.

Ушбу битим тўғрисида қисқача маълумот:

экспортёрнинг Миллий реестрдаги рўйхат рақами _____

сотиладиган дастурий таъминот воситаларининг номи _____

Интернет тармоғидаги он-лайн дўконининг номи _____

Ушбу билан дастурий таъминот воситаларини сотишдан олинадиган чет эл валютасидаги маблағларнинг келиб тушишини таъминлаш ва ташкилот Миллий реестрдан чиқарилганда, банкни хабардор қилиш мажбуриятини зиммамизга оламиз.

Раҳбар _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Бош бухгалтер _____
(имзо) (Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____.